БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№63 (208) 2018 йил 10 август, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ҲУДУДЛАР ОБОДЛИГИ ВА ТОЗАЛИГИ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 9 август куни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни ободонлаштириш ва тозаликка риоя қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 апрелдаги «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, илгари эгасиз бўлган мазкур соҳада ягона тизим шакллантирилди. Соҳага қаратилаётган эътибор самарасида аҳолини чиқинди ташиш хизмати билан қамраб олиш даражаси жорий йил охирига қадар 62 фоизга (20 миллион) етиши кутилмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2016 йилда бор-йўғи 22 фоиз бўлган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида ташкил қилинган «Тоза ҳудуд» корхоналари жорий йилнинг етти ойида 49 миллиард сўм даромад олишга эришди. Жойларда чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари қурилмоқда.

Қарор ижроси доирасида чиқинди олиб чиқиш ҳудудларини тадбиркорларга электрон аукцион йўли билан бириктириш тартиби жорий этилди, фаолиятга тадбиркорларни давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш механизми яратилди, полимер плёнкали пакетлар ишлаб чиқариш, сотиш ва импорт қилишда чекловлар ўрнатилди, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш учун солиқ имтиёзлари берилди.

Йиғилишда мазкур йўналишдаги ишлар ҳали етарли эмаслиги, яна қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, жорий йилда «Тоза ҳудуд» корхоналарига 210 та янги махсус техника харид қилинган. 2019-2021 йилларда яна 590 та махсус техника олиш режалаштирилган. Бу чиқинди ташиш хизмати кўрсатиш даражасини 83 фоизга етказиш имконини беради.

Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш учун Инвестициялар бўйича ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталарига уч ой муддатда Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобидан яна 500 та махсус техника харид қилиш бўйича лойиҳа таклифини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Чиқиндини йиғиштириш ва бунинг учун тўлов ундириш борасида ҳам муаммолар мавжудлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳоли жон бошига чиқиндини йиғиштириб олиш учун тўлов 2 000 сўм ёки 25 центни ташкил қилади. Бу эса соҳага тадбиркорларни кенг жалб қилиш имконини бермаяпти.

Хорижий давлатларда чиқиндини йиғиштириб олишда давлат-хусусий шериклик муносабатлари кенг жорий этилган. Тадбиркор фақат чиқиндини йиғиштириб олади, маҳаллий ҳокимият эса кўрсатилган хизмат ҳажмига қараб тўловни амалга оширади.

Молия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси раҳбариятига чиқиндини йиғиштириб олишга давлат-хусусий шерикликни кенг жорий этишни кўзда тутувчи аниқ таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

(Давоми 2-бетда)











## Эзгу ташаббуснинг бир йили

### Президентимиз томонидан Бекобод ва Олмалиқ шаҳарлари ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қилинганига бир йил бўлди

Одатда, мусобақа деганда кўз ўнгимизда спорт беллашувлари гавдаланади. Шунингдек, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларида ўзига хос турли халқаро мусобақалар ўтказилишини ҳам биламиз. Албатта, мусобақадан мақсад ўз соҳаси ёки йўналишида энг кучли, энг моҳир, энг зўр ва ҳоказоларни аниқлаш экани маълум.

Аҳоли учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиш, уларни ҳаётдан, бугунги кунидан рози қилиш борасидаги шаҳарлараро мусобақа эса биз билган мусобақалар орасида энг олижаноб мақсадларни кўзлаши билан кескин ажралиб туради. Боиси, унда ким ғолиб ё ким мағлуб бўлишидан қатъи назар, беллашув баҳона амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари қолади. Минглаб инсонларнинг турмуш фаровонлигига эришилади.

Хабарингиз бор, 2017 йил 18 август куни Президентимиз Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида Бекобод ва Олмалиқ шаҳарлари ўртасида ривожланиш бўйича мусобақа ўтказиш таклифини илгари сурган эди. Давлатимиз раҳбари одамларнинг турмушини яхшилашдек олижаноб мақсадларга хизмат қиладиган ушбу ўзига хос мусобақа шартлари ҳақида гапирар экан, «2017 йилнинг 1 сентябридан 2018 йилнинг шу давригача иккала шаҳарнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб борамиз. Бу икки металлургия комбинати ўртасида эмас, шаҳарлар ўртасидаги соғлом рақобат бўлади. Бозордаги нарх-наводан тортиб, аҳоли турмуши учун яратилаётган барча шароитлар инобатга олинади. Янги корхона ишга тушадими, янги иш ўрни яратиладими, барчасини эътиборга олиб борамиз», деган эди. Мусобақа шарти маълум – янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ва коммунал хизматлар сифатини ошириш, маданий ҳордиқ чиқариши учун муносиб шароит яратиш, таълим ва тиббиёт сифатини яхшилаш.

Йирик саноат шаҳарлари аҳолисини бугунги кунидан рози қилиш борасидаги мусобақа эълон қилинганига ҳам бир йил тўлди. Хўш, шу вақт мобайнида мусобақа шартларига кўра нима ишлар қилинди, аҳоли турмушида қандай ўзгаришлар бўлди?

(Давоми 15-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА «BUSINESS CITY» ЗАМОНАВИЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МАРКАЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Туман ва шаҳар марказларининг меъморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, уларнинг хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш, асосий туристик йўналишларда замонавий объектлар қуриш, шунингдек, республика аҳолиси ва меҳмонлари учун кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарларида, республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида «Business city» шаклида замонавий ишбилармонлик марказларини (кейинги ўринларда «Business city» марказлари деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан уларнинг концепциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганидан кейин қабул қилинади;

буюртмачи функцияларини бажариш, «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қурилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат унитар корхонаси шаклида «Business city» марказлари ҳудудида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси (кейинги ўринларда дирекция деб юритилади) ташкил этилади;

«Business city» марказларини батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишни ташкил этиш етакчи маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари жалб этилган ҳолда дирекция томонидан амалга оширилади;

«Business city» марказлари ҳудудида объектларни қуриш инвесторларнинг маблағлари, шу жумладан ҳомийлик хайриялари, кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали мураббий кадрларни жалб қилган ҳолда иқтидорли ёш шахматчиларни тайёрлаш, шахмат бўйича миллий терма жамоанинг амалдаги аъзолари билан доимий алоқани таъминлаш, шунингдек, шахматни инсоннинг ақл ва тафаккур жараёнини ривожлантирувчи спорт тури сифатида янада оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг:

мажбурий мактаб дастурлари доирасида иловага мувофиқ 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Ўзбекистон шахмат федерацияси тасарруфига бериш;

2018 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча шахмат клублари ҳамда шахматга ўқитиш ва шахматчилар тайёрлашни амалга оширувчи бошқа спорт муассасалари (кейинги ўринларда шахмат клублари деб юритилади) Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда мажбурий аккредитациядан ўтказилиши тартибини белгилаш;

(Давоми 2-бетда)










2009-2016 йилларда Янгиқўрғон туманида жами 389 та намунавий уй-жой бунёд этилиб, ўз эгаларига топширилди. Бунинг натижасида туманда бир-биридан обод, замонавий қишлоқ инфратузилмасига эга бўлган аҳоли масканлари вужудга келди.



# ҲУДУДЛАР ОБОДЛИГИ ВА ТОЗАЛИГИ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бунда чиқинди йиғиш учун ўрнатилган тарифларни қайта кўриб чиқиш, тўловларни ундиришни Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга ошириш, тушган маблағларни туман (шаҳар) ҳокимликлари махсус ҳисобрақамида жамлаш, тўпланган маблағни давлат-хусусий шериклик шартномаси асосида чиқинди ташиш корхоналарига тўлаш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Йиғилишда чиқиндиларни қайта ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга кўра, бутун дунёда маиший чиқиндининг камида 65 фоизи қайта ишланади ва катта фойда олинади. Афсуски, бу кўрсаткич бизда ўта паст. Ҳозирда мамлакатимиздаги чиқинди полигонларида жами 18 миллион тонна чиқинди мавжуд. Йилига яна 4 миллион тоннадан қўшилиб бормоқда. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни тезроқ амалга оширишни талаб этади.

Чиқиндидан энергия олиш бўйича Оҳангарон туманида Жанубий Кореянинг «Сежин» компанияси билан ҳамкорликда 55 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш бошланган. Лойиҳага асосан чиқинди полигонидан биогаз олиниб, 16 мегаватт ёки 10 минг хонадон истеъмоли учун етарли электр энергияси ишлаб чиқарилади.

– Ана шундай истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш зарур, – деди Президентимиз. – Бунинг учун, аввало, соҳага хорижий инвесторлар нега кам қизиқиш билдираяпти, деган саволга жавоб топишимиз керак. Чунки бунга тўсиқ бўлиб турган бир қатор тизимли муаммоларни ҳал этиш учун етарли иш олиб борилмаяпти. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда комплекс ёндашув мавжуд эмас. Чиқиндини қайта ишлашдан олинадиган муқобил энергияни ягона электр энергетика тармоқларига узатиш, олинган энергия учун ҳисоб-китоб қилиш ва тарифлардаги фарқни қоплаш механизмлари ҳалигача жорий қилинмаган.

Таъкидланганидек, амалдаги тартибга кўра, ягона электр энергетика тизимига уланиш ва тўловларни амалга ошириш фақат қайта тикланувчи энергия манбалари учун белгиланган бўлиб, 1 киловатт/соат учун тўлов жуда кам – 2 центни ташкил этади. Келган инвестор шу саволларга жавоб ололмасдан, қайтиб кетишга мажбур бўлмоқда.

Молия, Иқтисодиёт, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти раҳбариятига икки ҳафта муддатда юқоридаги муаммоларнинг ечими юзасидан тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарларга икки ой муддатда ҳудудма-ҳудуд юриб, чиқиндини қайта ишлаш ва ундан энергия олиш бўйича инвестиция таклифларини ва уларнинг умумий параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда йил охирига қадар камида 5 та лойиҳа амалга оширилишини бошлаш вазифаси топширилди.

Мамлакатимизда мавжуд чиқинди полигонлари фаолиятини санитар ва экологик талаблар асосида ташкил этиш ҳам асосий муаммолардан экани қайд этилди.

Айни пайтда юртимиздаги 221 та чиқинди полигони фаолиятини санитар ва экологик талаблар асосида ташкил этиш учун 1,2 миллиард доллар талаб этилади.

– Бу жуда катта маблағ. Соҳага сармоя жалб қилиш бўйича бугунги кунда дунё тажрибасида кенг қўлланилаётган «ифлослантирувчи тўлайди» тамойили асосида янги тартиб жорий қилиш керак, – деди давлатимиз раҳбари. – Бунда йирик товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотининг таннархида ундан ҳосил бўладиган чиқиндини утилизация қилиш харажатларини назарда тутиш лозим. Лекин бу харажатларнинг одамларга оғирлиги тушмаслиги керак. Маблағлар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасида йиғилиб, чиқинди полигонларини санитар талаблар асосида тартибга келтириш, улар сонини оптималлаштиришга сарфланиши лозим.

Мутасаддиларга бир ой муддатда ушбу янги механизмни жорий қилиш бўйича таклиф киритиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда яна бир масала – «Тоза ҳудуд» корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ягона бошқарув тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Экология қўмитаси раҳбарияти «Тоза ҳудуд» корхоналари ишини самарали йўлга қўйиш бўйича қўмита таркибида алоҳида марказлашган тузилма ташкил этишга доир таклиф киритиши керак. Бу тузилма полигонлар ва техникаларни тўғри эксплуатация қилиш, техникаларнинг жойларга чиқишини электрон бошқариш, хизматлар учун тушумлар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш билан шуғулланади.

Ҳудудларнинг тозалигига жавоб берувчи яна бир тизим – ҳокимликлар қошидаги ободонлаштириш бошқармалари ишини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Ҳозир ушбу ташкилотлар моддий-техник базаси яхши эмаслиги учун ҳокимликлар «Тоза ҳудуд» корхоналари техникаларини ободонлаштириш ва қурилиш ишларига жалб этмоқда. Бу ҳолат «Тоза ҳудуд» корхоналарининг асосий ишига салбий таъсир кўрсатиб, техникаларнинг муддатидан олдин ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, ободонлаштириш соҳасини методологик жиҳатдан таъминлаш ва ўтган асрдан қолган моддий-техник базасини яхшилаш ишлари бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шунинг учун мутасаддиларга икки ой муддатда ободонлаштириш бошқармалари фаолиятини ва муаммоларини жойларга чиққан ҳолда таҳлил қилиб, тизимни тубдан такомиллаштириш, жумладан, янги бошқарув тизимини жорий қилиш, методологик базасини қайта кўриб чиқиш, кадрлар тайёрлаш, давлат-хусусий шерикликни жорий қилишга таклиф киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир муҳим масала, айрим одамларда ҳалигача чиқиндини махсус белгиланган жойга ташлаш, ўз кўчаси ва ҳудудини озода сақлаш маданияти шаклланмагани қайд этилди. Шу боис ҳудудларни ифлослантирганлик учун жавобгарликка тортишнинг таъсирчан механизмларини яратиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланиб, тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

шахмат клублари томонидан ўзларининг фаолиятлари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон шахмат федерациясига ҳисоботлар тақдим қилиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон шахмат федерациясига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда:

шахмат клубларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни;

республикадаги барча умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитишни босқичма-босқич қамраб олиш, юқори малакали мураббий кадрларни тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат синфларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини;

шахмат клублари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Белгилансинки:

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўз фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштириш асосида олиб боради, хўжалик ва молиявий фаолият масалаларини мустақил равишда ҳал қилади;

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолиятини молиялаштириш унинг ўз маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2018 йил 20 августга қадар умумий ўрта таълим мактабларида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

барча шахмат клубларининг паспортлаштиришдан ўтказилишини таъминласин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 9 август

Янгиқўрғон тумани Наманган вилоятининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, унинг таркибидаги 71 та маҳалла фуқаролар йиғинида қарийб 200 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ўз-ўзидан уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларнинг ортишини келтириб чиқаради.

# Янгиқўрғондаги янги уйлар





Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича 2009-2016 йилларда Янгиқўрғон туманида жами 389 та намунавий уй-жой бунёд этилиб, ўз эгаларига топширилди. Бунинг натижасида туманда бир-биридан обод, замонавий қишлоқ инфратузилмасига эга бўлган аҳоли масканлари вужудга келди.

Бу борадаги бунёдкорлик ишларининг изчил давом эттирилаётгани, хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари янгиқўрғонликларни, айниқса, уй-жойга муҳтож оила аъзоларининг эртанги кунга ишонч руҳини янада мустаҳкамлаб юборди, десак асло муболаға бўлмайди.

– Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини инобатга олган ҳолда ўтган йилнинг ўзида тумандаги «Бешбулоқ», «Барака», «Нурафшон», «Зарбдор», «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, – дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси Наманган филиали етакчи мутахассиси Шокиржон Жўрабоев. – Жумладан, «Исмоил Ислом қурилиш», «Янгиқўрғон капитал қурилиш» ҳамда «Бунёдкор» каби бош пудратчи қурилиш корхоналари ишчи-хизматчилари томонидан 14 та, ҳар бири 4 сотих ер ва 3 хонага эга, 40 та 2 сотих ер ва 3 хонага эга ҳамда битта 3 қаватли 18 хонадонга мўлжалланган турар жой бинолари бунёд этилди.

Маълумки, Янгиқўрғон тумани аҳолининг сони ва зичлиги жиҳатидан вилоятда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис, туман марказида 3 қаватли 18 хонадонли турар жой қуришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, жорий йилда туман марказидаги «Водий» аҳоли массивида 5 та 18 хонадонли, жами 90 та оилага мўлжалланган ана шундай турар жой биноларини бунёд этиш режалаштирилган. Айни кунларда мазкур объектда олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари тобора авж олмоқда.

– Ташкилотимиз Янгиқўрғон туманини ҳокимининг 2014 йил 20 февралдаги 34/04-сонли қарорига кўра ташкил этилган, – дейди «Исмоил Ислом қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шуҳратжон Абдуллаев. – Корхонамизда жами 120 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Аҳамиятлиси, жамиятимиз нафақат туман, балки вилоят миқёсидаги улкан бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Қурувчиларимиз ўтган йиллар давомида Поп, Норин, Уйчи туманларида турар жой бинолари ҳамда бир қатор ижтимоий объектларни бунёд этгани юқоридаги фикримга далил бўла олади. Корхонамиз аъзолари орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида Санжарбек Юсупов, Ҳусанбой Абдуллаев, Фахриддин Узоқов, Маъруфжон Абдуллаев кабилар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, меҳнат қилмоқдалар. Ёшларга тажрибали иш юритувчи Файзираҳмон Узоқов ҳар бир ишда маслакдош бўляпти.

Айни кунларда Ш. Абдуллаев ва унинг аҳил жамоаси томонидан «Водий» аҳоли массивида 3 та 3 қаватли 18 хонадонли турар жойларни бунёд этиш ҳамда туман халқ таълими бўлимига қарашли 21-сонли умумтаълим мактаби учун 216 ўринли қўшимча ўқув биносини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

– 2014 йилгача акам Маҳмудулло Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Оташ» кўп тармоқли хусусий фирмасида меҳнат қилдим, – дейди Шуҳратжон Абдуллаев. – Қурувчилик соҳасини пухта эгаллашимда акамнинг ҳиссаси катта бўлди. Гарчанд ҳозир ўзим мустақил ишлаётган бўлсам-да, доимо улардан йўл-йўриқ ва маслаҳат олиб тураман. Шу боис йилдан-йилга ишимиз ривожланиб, корхонамиз нуфузи ортиб бормоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барча мамлакатимиз қурувчилари, соҳа ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан муборакбод этаман. Уларга мустаҳкам соғлик-саломатлик, оилавий тинчлик-хотиржамлик тилайман. Бунёдкорларимиз мамлакат равнақи йўлида ҳормай-толмай изланиб, ишлашдан чарчашмасин!

– «Исмоил Ислом қурилиш» корхонаси ишчи-хизматчилари ғайрат-шижоатига қойил қолмасликнинг иложи йўқ, – дейди «Сардор қурилиш саноат» масъулияти чекланган жамиятининг иш юритувчиси Баҳодир Ҳасанбоев. – Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ғишт териш, темир-бетон қуйиш каби юмушларни бажаришнинг ўзи бўлмайди. Энг муҳими, бунинг натижасида шу ерда фаолият юритаётган бошқа қурилиш ташкилотлари аъзоларининг ишларида ҳам унум ва сифат кўзга ташланмоқда.

Хуллас, жорий йилда Янгиқўрғон шаҳарчасининг «Водий» аҳоли массивида 90 оила ўзларининг ҳар жиҳатдан яшаш учун қулай ва шинам замонавий хонадонларига эга бўлади. Бунёдкорлик ишлари келаси йилда ҳам давом эттирилиб, яна 5 та 3 қаватли 18 хонадонли турар жой биноси қад ростлайди. Шунингдек, битта мактабгача таълим муассасаси, маданий-маърифий ҳамда савдо-сотиқ шохобчалари қурилиб, кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Шу тариқа яқин келажакда бу ер юртимизнинг яна бир обод мавзеларидан бирига айланади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«O`zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Поездлар қатнови қайта тикланди

Жиззах ва Гагарин шаҳарлари ўртасида йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилгани Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор ва Арнасой туманлари аҳолиси учун янада қулайлик яратди.







162 йўловчини сиғдириш имкониятига эга иккита вагондан иборат поезд ҳар куни соат 19:00 да Жиззах шаҳридан йўлга чиқиб, соат 21:10 да Гагарин шаҳрига етиб келмоқда. Эрталаб соат 6:00 да Гагарин шаҳридан чиққан поезд соат 8:10 да вилоят марказида бўлади.

Анча йиллардан буён, Ўзбекистон темир йўлларининг қўшни Қозоғистон ҳудуди орқали ўтадиган қисмида поездлар қатнови тўхтатилгач, Жиззах шаҳридан Гагарин шаҳригача бўлган темир йўлдан фойдаланилмай келинаётган эди. Ушбу йўналишда поезд қатновининг тикланиши юк ва йўловчи ташишда бирдек қулайлик яратди.

– Илгари 18 йил давомида Жиззахга поездда қатнаб ишлаганман, – дейди Мирзачўл тумани Тошкент маҳалласида яшовчи Камолиддин Қодиров ЎзА мухбири Тошқул Бекназаров билан суҳбатда. – Поезд қатнови тўхтатилгач, вилоят марказига бориб қайтиш қийин бўлиб қолди. Автобус ёки таксида қатнаш қимматлик қилди. Поезд қатнови яна йўлга қўйилгани чўл ҳудудидаги туманлардан вилоят марказига қатнаб ишлайдиганлар, кундалик юмуш билан келиб-кетувчилар учун жуда катта қулайлик бўлди. Мамлакатимизда халқ манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган бундай ишлардан беҳад мамнунмиз.

Чипта нархи ҳам арзон: Жиззах – Мирзачўл 3 минг 500 сўм, Жиззах – Дўстлик 3 минг 500 сўм, Мирзачўл – Пахтакор 2 минг. Қатнов белгиланган жадвал асосида мунтазам амалга оширилмоқда.

Айни пайтда поезд Жиззах шаҳридан Мирзачўл тумани марказига 2 соату 15 дақиқада етиб боради. Дўстлик ва Мирзачўл туманлари оралиғидаги темир йўл таъмирлангач эса бу вақт янада қисқаради.

Самарқанд вилоятидаги «Феруза» масъулияти чекланган жамияти бинокорлари ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги байрамига атаб муносиб совға ҳозирлашни анъанага айлантирган. Айни шу анъана жорий йилда ҳам давом этмоқда. Шижоатли қурувчилар тўйига тўёна қилиш мақсадида қатор иншоотларни ишга тушириш устида тинимсиз шижоат кўрсатмоқдалар.

# От ўрнини той босар

– Байрамга туҳфа билан боришга одатланганмиз, – дейди корхона раҳбари Санжар Рўзиматов. – Айни пайтда Пастдарғом туманида бир қатор иморатларни фойдаланишга топшириш арафасидамиз. Жумладан, 72-умумтаълим мактабида қўшимча 210 ўринли бинони тикладик, илм даргоҳининг 200 ўринли эски биноси эса тўлиқ таъмирланди. Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга мўлжалланган 10 та коттежда, участка нозирларига хизмат уйлари қуришда иштирок этяпмиз. Шерали Назаров, Шавқиддин Абдуллаев, Диёр Қодиров, Муҳиддин Жуманазаров каби қўли гул ишчиларимиз хизмати барчага манзур тушмоқда.

Айтиш жоизки, ушбу ташкилотни бундан қарийб йигирма йил илгари Санжарнинг отаси – тажрибали мутахассис, узоқ йиллар бинокорлик касбини ардоқлаб келаётган Муҳиддин Бобоев ташкил этган эди. Шу давр мобайнида қурувчилар томонидан юзлаб мактаб, коллеж, турар жойлар ва кўп қаватли уйлар тикланиб, халқимизга хизмат қилмоқда. «От ўрнини той босар», деганларидек эндиликда Муҳиддин аканинг фарзандлари – Санжар ва Мусурмон ота касбини давом эттириб, эл олқишини қозонишмоқда.

– Устозлар ва тарбиячиларимиз бинокорлардан чексиз миннатдор, – дейди 72-мактаб директори Дилафрўз Ҳазратқулова. – Уларнинг самарали фаолияти туфайли билим масканимиз чинакам кўркам кўриниш касб этаётир. Шинам синфхоналар, лабораториялар кенг ва ёруғлиги билан ажралиб турибди. Муҳими, қурувчилар юмушларидан, сифатдан кўнглимиз тўқ. Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз томонидан ёш авлод таълим-тарбияси учун замонавий ўқув даргоҳлари қуришда муносиб ҳисса қўшаётган бунёдкорлар жамоасига омад ва муваффақият тилаймиз. Уларни касб байрамлари билан табриклаймиз. Қўллари асло дард кўрмасин!

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**



«Business city» марказларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тегишли туманлар ва шаҳарларнинг маҳаллий бюджети маблағлари, инвесторлар ва ҳомийлар маблағлари ҳамда конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА «BUSINESS CITY» ЗАМОНАВИЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МАРКАЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

лойиҳалар ташаббускорларига «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қуриш учун ер участкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган «Business city» марказлари ҳудудида лойиҳалар ташаббускорларини танлаб олиш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссиялари томонидан ўтказиладиган энг яхши инвестиция таклифларининг танлови якунлари бўйича, шу жумладан, тегишли лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган инвестицияларнинг ҳажмидан келиб чиқиб берилади;

дирекцияга лойиҳалаштириш шартларини, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини амалга ошириш усулларини мустақил танлаш, шунингдек, энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича танлов асосида ишларни бажарувчиларни, лойиҳа ташкилотларини белгилаш ҳуқуқи берилади.

3. Қуйидагилар дирекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қурилишга потенциал инвесторларни, шу жумладан, хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Интернет тармоғида идоравий мансуб «Business city» марказини қуриш ва унинг фаолияти бўйича тақдимот тадбирларини ва кенг реклама кампаниясини олиб бориш ишларини ташкил этиш;

лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан инвесторлар билан музокаралар олиб бориш, инвестицияларнинг энг кам суммаларини белгилаган ҳолда идоравий мансуб «Business city» маркази лотларига кўра инвесторларни танлаш бўйича танловлар ўтказиш, «Business city» марказларига инвестиция қўйиш тўғрисида инвесторлар билан битимлар тузиш, шунингдек, қурилиш учун инвесторга ер участкаси бериш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига илтимосномалар киритиш;

идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида инвесторлар томонидан реализация қилинадиган лойиҳалар амалга оширилишининг бориши устидан доимий мониторинг юритиш;

идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида объектлар қурилишини лойиҳалаштиришда лойиҳа ташкилотлари томонидан энергияни тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилиши ҳамда юқори технологик материаллар ва буюмлардан самарали фойдаланилишининг таъминланишини назорат қилиш;

қабул қилинган мажбуриятлар инвесторлар томонидан лозим даражада бажарилишини назорат қилиш, қабул қилинган мажбуриятлар инвесторлар томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида инвестиция қўйиш тўғрисидаги битимларни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида, жумладан, бошқарувчи компанияларни тузиш ва тадбиркорлик субъектларини жалб этиш йўли билан умумий фойдаланиладиган жойлар, муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланишни ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

инвесторлар, ишларни бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар, бинолар, иншоотлар ва турар жойларнинг мулкдорлари ва улардан фойдаланувчилар томонидан қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ва объектлардан фойдаланишда белгиланган ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан техник назоратни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов):

«Business city» марказлари фаолиятининг самарали ташкил этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

инвесторлар томонидан қурилиш ишлари амалга оширилишида ва ваколатли ташкилотлар томонидан муҳандислик коммуникацияларининг ташқи тармоқларига улашда «Business city» марказлари ҳудудларини тайёрлаш учун масъул бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;

2019 йил 1 январга қадар муддатда тегишли туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишини таъминласин;

2019 йил 1 февралга қадар муддатда Инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини танлаш, уларга ер участкалари бериш ва уларни «Business city» марказлари ҳудудида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек, «Business city» марказлари ҳудудида инвесторларни танлаш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссияларининг намунавий таркибини тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

тегишли туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишига қараб дирекциялар ташкил қилинишини ва уларнинг тўлиқ фаолият кўрсатишини;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар билан биргаликда туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш учун ер участкаларининг чегаралари белгиланишини;

алоқадор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этиладиган «Business city» марказлари ҳудудида амалда яшаётган оилалар рўйхатини аниқлаган ҳолда бузиладиган уй-жойлар, нотурар жой бинолари ва иншоотларнинг 2019 йил 1 январь ҳолатига хатловдан ўтказилишини;

ер участкалари олиб қўйилиши, уй-жойлар, нотурар жой бино ва иншоотлар бузилиши, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига уланган ҳолда «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қурилиши билан боғлиқ ташкилий ва техник масалаларнинг ҳал этилишини;

«Business city» марказлари ҳудудида инвесторлар томонидан лойиҳалар амалга оширилишининг бориши тизимли асосда назорат қилинишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

«Business city» марказларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тегишли туманлар ва шаҳарларнинг маҳаллий бюджети маблағлари, инвесторлар ва ҳомийлар маблағлари ҳамда конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

ер участкалари ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши, уй-жойлар, нотурар жой бино ва иншоотлар бузилиши сабабли мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш, ҳудудлар тозаланиши, ер ишлари бажарилиши, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг майдон ички тармоқлари қурилиши, умумий фойдаланиладиган ҳудудлар ободонлаштирилиши, реклама кампаниялари ва тақдимот тадбирлари ўтказилиши, шунингдек, маҳаллий, хорижий консалтинг ва архитектура компаниялари хизматлари учун харажатлар инвесторларга бериладиган ер участкалари ўлчамларига қараб мутаносиб улушларда инвесторлардан тушадиган маблағлар, ҳомийлар маблағлари, кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

7. «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбектелеком» АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари «Business city» марказларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ муҳандислик коммуникациялари уловчи тармоқларининг ўз маблағлари ҳисобидан қурилишини уларнинг узлуксиз фаолият кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда инвесторлар томонидан жалб этиладиган пудратчилар, шу жумладан, хорижий пудратчиларни лойиҳа ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун пудратчиларга жавобгарликни юклаш шарти билан қурилиш соҳасида тегишли лицензия ва (ёки) рухсатнома олмасдан «fast-track» услубида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) фойдаланишга «тайёр ҳолда топшириш» шартларида (Engineering Procurement Construction) «Business city» марказлари лойиҳаларини амалга ошириш учун қуришга белгиланган тартибда рухсат берсин.

9. «Business city» марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

2021 йил 1 январга қадар муддатда:

а) инвесторлар – мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан;

бош пудратчи ва бош лойиҳа ташкилотлари – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган ишлар (кўрсатиладиган хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлашдан;

ташкилотлар-норезидентлар – ҳам доимий муассаса, ҳам Ўзбекистон Республикасида тўлов манбаси орқали олинадиган даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан;

дирекциялар, инвесторлар, бош пудрат ташкилотлари – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш техникаси, асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, металл конструкциялар учун божхона тўловларини (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан;

б) дирекциялар «Business city» марказлари фаолият кўрсатишининг бутун даврида солиқларнинг барча турлари ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин.

10. Белгилансинки, ушбу қарор 8 ва 9-бандларининг амал қилиши «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик маркази қурилиши лойиҳасининг тегишли қатнашчиларига, шу жумладан, унинг дирекциясига татбиқ этилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дирекцияларнинг буюртманомаларига биноан «Business city» марказлари ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги дирекцияларнинг буюртманомаларига биноан «Business city» марказлари ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи хорижий мутахассисларга давлат божи тўламасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва кўп марталик визаларнинг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча рўйхатдан ўтказилиши, турган жойи бўйича ҳисобга олинишини ҳамда вақтинча рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш узайтирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги дирекцияларнинг буюртманомаларига биноан «Business city» марказлари ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи юқори малакали хорижий мутахассислар Ўзбекистон Республикасига жалб этилишига рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 август,
ПҚ-3895



Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларида иштирок этаётган қурувчиларни, шу соҳага тааллуқли идораларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни касб байрами билан қутлаймиз.







# «QISHLOQ QURILISH INVEST»

## инжиниринг компанияси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, хусусан, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга оширишда барча бунёдкорларга куч-қувват, мустаҳкам ирода ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

# «O'ZGASHKLITI»

## давлат унитар корхонаси жамоаси

*барча қурувчиларни, лойиҳачи ва меъморларни Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни билан муборакбод этади. Сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда омад ва зафарлар, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилаймиз!*




# «ЎЗШАҲАРСОЗЛИКЛИТИ» ДУК

## жамоаси



*мамлакатимиз қурилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, янги лойиҳалари билан шаҳарлар кўркига кўрк қўшаётган лойиҳачиларни, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларида иштирок этаётган қурувчиларни, шу соҳага тааллуқли идораларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни касб байрамлари билан табриклайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли меҳнатларингизда куч-қувват тилаймиз.*







**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**



«Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 1 819,0 минг тонна цемент ишлаб чиқарилиб, режа кўрсаткичи 103,1 фоиз, яъни 54,0 минг тонна ортиғи билан бажарилган.





# Сифат ва самарадорлик уйғунлиги

Навоий вилояти ўзининг бепоёнлиги, кўллари, дала-даштлари, ажойиб табиати билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Турли миллат вакилларидан таркиб топган навоийликлар меҳнатсеварлиги, янги ғояларга чанқоқлиги, тантилиги билан ҳам ном чиқарган. Қаерга бориб «навоийликман» десангиз бас, вилоятдаги йирик саноат корхоналари, ижтимоий объектлар, эркин иқтисодий саноат ҳудудига нисбатан ҳавас қилишларини ҳис этасиз.

Ҳақиқатан ҳам, Навоийда дунёга машҳур гигант корхоналар анчагина. Уларнинг сони, қуввати ортса ортяптики, асло камайгани йўқ. Негаки, замоннинг ўзи шуни талаб этмоқда. Айниқса, сўнгги икки йил ичида юз берган ислоҳотлар, ўзгаришлар Ўзбекистонни улкан бунёдкорлик майдонига айлантирди. Бугун ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқдаги кенг миқёсдаги қурилишлар натижасида янги аҳоли массивлари пайдо бўлмоқда. Эски қишлоқлар обод масканларга айлантириляпти.

Бундай катта ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши ҳисобига қурилиш материалларига, айниқса, қурилишда сув ва ҳаводек зарур бўлган цемент маҳсулотига бўлган талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Мавжуд корхоналарнинг аксарияти бор қуввати билан ишлаб, бозор эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилмоқда.

«Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти мазкур турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар орасида нафақат мамлакатимиз, балки яқин қўшни давлатларда ҳам яхшигина брендга эга ҳисобланади. Корхона томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 1 819,0 минг тонна цемент ишлаб чиқарилиб, режа кўрсаткичи 103,1 фоиз, яъни 54,0 минг тонна ортиғи билан бажарилган. Бу 2017 йилнинг шу даврига нисбатан қиёслаганда, 4,4 минг тонна кўп дегани. Йил якунига қадар цемент ишлаб чиқариш кўрсаткичини 3 миллион 500 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Корхонада биринчи ярим йиллик якуни билан 1 млн 449,5 минг тонна клинкер ишлаб чиқарилиб, режа 105,7 фоизга бажарилди. Ушбу хом ашё ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 64,9 минг тонна кўп ишлаб чиқарилди. Шунингдек, корхонада 16,2 минг тонна қурилиш оҳаги, 59 874,5 квадрат метр темир-бетон ёпма плиталари, 187,5 минг тонна шағал ва қум, 520 донадан ортиқ шифер ишлаб чиқаришга ҳам эришилди. Мазкур маҳсулотлар ишлаб чиқариш режага нисбатан 110-160 фоизга ортиғи билан бажарилган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада ортган. Хусусан, қурилиш оҳаги ва темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки баравар, шифер эса қарийб 4 бараварга ортган. Ички бозорда ушбу маҳсулотларга талаб жуда катта.

Корхонада жорий йилнинг ўтган даврида режада белгиланган 747 млрд сўмлик ўрнига, 857 млрд 873 млн сўмлик маҳсулотлар реализация қилинди. Бу борадаги умумий режа 114,7 фоизга ортиғи билан уддаланди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 155,2 фоиз ўсиш кўрсаткичига эришилди. Ушбу юқори кўрсаткичлар пухта ишлаб чиқилган режа, барча цех ва бўлимлардаги самарали бошқарув эвазига қўлга киритилди.

– Корхонамиз раҳбарияти маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича тинимсиз изланишда, – дейди корхонанинг иқтисод бўлими бошлиғи Қаҳрамон Ражабов. – Негаки, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатнинг юқорилиги бўлса, иккинчиси нархнинг арзонлигидир. Изланиш ва саъй-ҳаракатлар, албатта, самара бермасдан қолмайди. Йил бошидан шу кунгача корхонада 19 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинишига эришилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 7 фоизга пасайтирилди. Табиий газ ва электр энергиясини тежаш эвазига 1 миллиард 693 миллион сўмлик маблағ иқтисод қилинди.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ва эҳтиёж ортмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 7 453 тонна сўндирилмаган оҳак экспорти амалга оширилди. Ҳозирда Қозоғистоннинг 3 та компанияси билан умумий қиймати 2 млн АҚШ долларига тенг бўлган 36 000 тонна оҳак етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланган.

Корхона томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш мақсадида манзилли дастур қабул қилиниб, амалий ишлар олиб борилмоқда. Йирик лойиҳалар амалиётга босқичма-босқич татбиқ этилаётир.

Корхонада 2018-2019 йилларда ҳаракатдаги 3 та клинкер пишириш технологик линияларини тўлиқ реконструкция ва модернизациялаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида клинкер ишлаб чиқариш қуввати суткасига 3000 тоннадан 4500 тоннагача ошириш имконияти яратилади. Модернизация ишлари якунлангач, клинкер ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 1 200,0 минг тонна, цемент ишлаб чиқаришни эса 1 500,0 минг тоннагача ошириш мумкин. Лойиҳани амалга ошириш, энергия тежовчи замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши натижасида 1 тонна клинкер пишириш учун 142 кг ўрнига 110 кг табиий газ, 42,8 кВт соат ўрнига 30,2 кВт соат электр энергияси сарфланади. Рақамлардан кўриниб турибдики, биргина мазкур лойиҳанинг ўзиёқ катта миқдорда энергия ресурсларини тежаш имконини беради.

2018-2019 йилларда ҳажми 120 000 тонна бўлган оҳактош омборини қуриш ҳамда унга замонавий ускуналарни ўрнатиш орқали хомашё таркибини меъёрлаштириш тизимини жорий этиш, бундан ташқари юқори самарадор сепаратор қурилмасини ўрнатиш ҳамда цемент майдалаш жараёнини ёпиқ циклга ўтказиш орқали 7-сонли цемент тегирмонини модернизациялаш ишлари амалга оширилади.

3. Национальные конкурсные торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой ИБР для товаров и работ в рамках финансирование ИБР (издание от 2009 г. с нынешними поправками), и доступны правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в соответствующих Территориальных консалтинговых центрах по ценообразованию по адресу ниже в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, ул. Навои, 30. **Телефон:** (0-374) 223-57-05. **Факс:** (0-374) 223-57-05. |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора тендерных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по тендерным торгам и ценообразованию.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Андижанская область |
|---|
| **Банк:** АКБ «InFinBank» Андижанский городской филиал **Р/с** 2021 2000 4036 4994 4001 **ИНН** 202 453 348 |

**6. Конкурсные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне Контрактов;

необходимо представить Банковскую гарантию для тендерного предложения в размере не менее 2 % от стоимости представленного предложения.

Вскрытие тендерных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Тендерные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, ул. Навои, 30. **Телефон:** (0-374) 223-57-05. **Факс:** (0-374) 223-57-05. |

7. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № ИБР-2018/2**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ**
**Проект «Строительство современного сельского жилья»**
**(Фаза-2)**
**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № лота | Район | Массив | Протяжённость (км) подводящих и внутримассивных систем водоснабжения | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Андижанская область** | | | | |
| ИБР-275 | Андижанский | З. М. Бобур, Б. Омонов, «Гулистон», Й. Охунбобоев, А. Чўлпон, «Саноат» | 2,48 | 24 августа 2018 года, 10.00 |
| ИБР-276 | Асакинский | «Ўзбекистон Мустақиллиги», «Ўзбекистон», Ғ. Ёқубов, «Шарқ ҳақиқати», «Хумо» кўчаси, Н. Кубро | 2,72 | 24 августа 2018 года, 10.00 |
| ИБР-277 | Балыкчинский/ Улугнорский | М. Улуғбек, «Балиқчи», «Оқ-олтин» 295-контур, «Оқ-олтин» 303-контур, «Оқ-олтин», «Мингбулоқ», «Улуғнор» | 2,57 | 24 августа 2018 года, 10.30 |
| ИБР-278 | Булакбашинский/ Ходжаабдский | Б. Режапов, А. Қаюмов, Ойбек, Улуғбек, Т. Раҳимов, «Гулобод», М. Мадиёров, Ҳамза, «Ўзбекистон» | 3,30 | 24 августа 2018 года, 10.30 |
| ИБР-279 | Бузский/Шахриханский | Улуғбек, «Ўзбекистон», Абдубий, Янги Вахим, «Яккатут» | 3,02 | 24 августа 2018 года, 11.00 |
| ИБР-280 | Избасканский/ Пахтаабадский | А. Тиллабоев, «Шарқ юлдузи», «Янгиқишлоқ», О. Қурбонов, Ёқубов, «Гулистон» 64-контур, «Гулистон», О. Қурбонов | 2,88 | 24 августа 2018 года, 11.00 |
| ИБР-281 | Джалакудукский/ Кургантепинский | «Ёрқишлоқ», А. Темур, Т. Тошматов, Ойим, «Қўштепа», «Қорасув», «Савай» | 2,33 | 24 августа 2018 года, 11.30 |
| ИБР-282 | Мархаматский/ Алтынкульский | «Оқибатли», «Миришкор», «Ўқчи», «Тошлоқ», «Тўлға», «Алитепа», Ф. Қўчқаров, «Туркистон», Навоий, «Оқтепа», «Машъал», «Намуна» | 5,57 | 24 августа 2018 года, 11.30 |
| **Итого по области** | | | **24,87** | |

## Приглашение на участие в конкурсных торгах

**Республика Узбекистан**
**Проект «Строительство современных сельских домов» (Фаза-2) с участием Исламского банка развития**
**Строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения**
**Форма финансирования:** «Истисна'а»
**ПРОЕКТ № УЗБ-1003.**
**№ контракта/тендерных торгов ИБР-2018/2**

1. Республика Узбекистан подписала финансовое соглашение с Исламским банком развития по реализации проекта «Строительство современных сельских домов» (Фаза-2), и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в сельских местностях Бухарской и Джизакской областях Республики Узбекистан. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» («Заказчик») настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих конкурсных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения.

**Срок строительства составляет шесть (6) месяцев.**

2. Участники торгов могут подавать свои конкурсные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложений.

3. Национальные конкурсные торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой ИБР для товаров и работ в рамках финансирование ИБР (издание от 2009 г.), и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальных консалтинговых центрах по ценообразованию по адресу ниже в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

| Бухарская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Бухара, ул. Навои, 6. **Телефон:** (0-365) 223-96-29. **Факс:** (0-365) 223-97-51. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова. **Телефон:** (0-372) 226-14-66. **Факс:** (0-372) 226-05-42. |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Бухарская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Банк:** АКИБ «Ипотека-банк» филиал Сардор **Р/с** 2021 0000 9035 5090 9001 **ИНН** 202 435 424 | **Банк:** АКИБ «Ипотека-банк» Джизакский филиал **Р/с** 2021 0000 0037 5718 9001 **ИНН** 202 411 803 |

**6. Конкурсные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

Необходимо представить Банковскую гарантию для тендерного предложения в размере не менее 2 % от стоимости представленного предложения.

Вскрытие тендерных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Тендерные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Бухарская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Бухара, ул. Навои, 6. **Телефон:** (0-365) 223-96-29. **Факс:** (0-365) 223-97-51. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова. **Телефон:** (0-372) 226-14-66. **Факс:** (0-372) 226-05-42. |

7. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № ИБР-2018/2**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ**
**Проект «Строительство современного сельского жилья»**
**(Фаза-2)**
**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № лота | Район | Массив | Протяжённость (км) подводящих и внутримассивных систем водоснабжения | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Джизакская область** | | | | |
| ИБР-295 | Арнасайский, Дустликский, Ш. Рашидов, Зафарабадский, Мирзачульский, Пахтакорский, Фаришский | Ғ.Ғулом, «Наврўз», «Куёвбоши», «Барлос», «Бирлик», «Ғалаба», «Олмазор», «Осмонсой» | 5,30 | 30 августа 2018 года, 10.00 |
| ИБР-296 | Бахмальский, Галляаральский, Ш. Рашидов, Зарбдарский, Зааминский, Янгиабадский | «Оқтош», «Мирзабулоқ», «Нурафшон», «Лалмикор», Ғ. Ғулом, «Шодлик» | 4,30 | 30 августа 2018 года, 10.00 |
| **Итого по области** | | | **9,60** | |
| **Бухарская область** | | | | |
| ИБР-297 | Жондорский, Бухарский, Алатский, Ромитанский, Вабкентский | «Навгади-1», «Навгади-2», «Удурги», «Шехонча», «Ёшботир», «Аккали», «Самосий», «Дўстлик», «Газли», «Шакаркент», «Қуйихалач» | 7,01 | 30 августа 2018 года, 10.00 |
| ИБР-298 | Пешкунский, Караулбазарский, Шафирканский | «Янги турмуш», «Сардоба», «Навбаҳор», «Бойлар», С. Жўра, «Дингак» | 4,11 | 30 августа 2018 года, 10.00 |
| ИБР-299 | Гиждуванский, Бухарский | «Қорабоғ», «Кўкработ», «Зафарobод», «Маҳалламирзаён», Тўқол, «Шўробод», «Ўзбакон», «Работак», «Фошун», «Удурғу», «Шехонча» | 4,40 | 30 августа 2018 года, 10.30 |
| **Итого по области** | | | **15,52** | |



Аҳолига янги кўп қаватли турар жойлар қуриш бўйича Бекободда 5 та, Олмалиқда 10 та кўп қаватли уй барпо этилмоқда. Бу ўринда Олмалиқ шаҳри ғолиб!

# Эзгу ташаббуснинг бир йили

## Президентимиз томонидан Бекобод ва Олмалиқ шаҳарлари ўртасида ривожланиш мусобақаси эълон қилинганига бир йил бўлди

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

### АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛ

Қарийб 93 минг аҳоли истиқомат қиладиган Бекобод шаҳрида сўнгги бир йилда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимиз ташрифидан сўнг 2017-2018 йилларда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Унда янги иш ўринлари яратиш, «Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви»ни ташкил этиш, кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимини яхшилаш каби аҳоли турмушининг бирламчи эҳтиёжини қаноатлантириш бўйича зарур чоралар қамраб олинди.

Маълумотларга кўра, мусобақа даврида шаҳарда саноат, тиббиёт, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида 137 лойиҳа амалга оширилган. Натижада 2 минг 248 янги иш ўрни яратилган. Президентимиз таклифига биноан «Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви» номини олган янги мавзеда 210 хонадонга мўлжалланган 5 та кўп қаватли турар жой қад ростлаган. Яна шунча хонадонга мўлжалланган 5 та кўп қаватли турар жойни қуриш ишлари бошланиш арафасида.

– Муносиб турмуш шароити яратиш борасида шаҳар аҳолиси олдида қарзимиз кўп, – дейди шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев. – Йиллар мобайнида аҳолининг ичимлик суви, йўл, уйларни иситиш, томини таъмирлаш, мухтасар айтганда, кундалик ҳаёт учун зарур бўлган асосий йўналишлар издан чиққан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, маданий ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиш, болаларни боғчага қамраб олиш каби йўналишлар ҳам эътибордан четда қолган эди. Президентимиз ташаббуси билан «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Yoshlar – kelajagimiz», «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» каби дастурлар қабул қилингани ушбу муаммоларни бартараф этишда айни муддао бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари таклифи ва ташаббуси асосида шаҳарда кичик саноат зонаси ташкил этилди. Мазкур саноат зонасини ривожлантириш бўйича режалаштирилган 17,7 миллиард сўмлик 11 лойиҳадан ҳозирга қадар 3,4 миллиард сўмлик 3 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бу 128 кишининг бандлигини таъминлаш имконини берди.

Шаҳар силга қарши курашиш диспансери ва 1-оилавий поликлиникада қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур тиббиёт муассасалари энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, «Бекобод деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти ҳудудида гипермаркет, Янгиҳаёт маҳалласи ҳудудида 216 ўринга мўлжалланган мактаб биноси қурилиши якунланиш арафасида. «Бекобод – Ховос – Янгиер – Тошкент» йўналишида поезд қатнови йўлга қўйилгани ҳам аҳолининг узоғини яқин қилмоқда.

Президентимизнинг мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга доир фармон ва қарорлари ижроси юзасидан шаҳарда 3 хусусий боғча фаолияти йўлга қўйилди. 3 тасида муддатли гуруҳлар ташкил этилди. Натижада боғча ёшидаги 200 нафардан ортиқ бола мактабгача таълимга жалб этилиб, уларни боғчага қамраб олиш ўтган йилгига нисбатан 4,4 фоизга ошди.

Шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ихтисослашган 3-сув олиш иншооти 1980 йилда қурилган бўлиб, сув насослари маънан эскирган. Боз устига, иншоотдан шаҳаргача бўлган 9,5 километр узунликдаги қувур қўшни Тожикистон Республикаси ҳудудидан ўтгани боис, сўнгги чорак асрда бирор марта таъмирланмаган. Натижада шаҳар аҳолисини мунтазам тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконсиз вазифага айланган.

– Маҳалламиздаги 21 кўп қаватли уйда 3 минг 400 дан ортиқ аҳоли яшайди, – дейди «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қўзимурод Тўрабоев. – Одамлар учун ичимлик суви ва қиш кунлари уйни иситиш муаммо эди. Сув маълум вақтлардагина берилар, босим камлигидан 4- ва 5-қаватларга умуман сув чиқмас эди. Президентимиз бир йил аввал маҳалламизга ташриф буюриб, ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича зарур топшириқлар берди. Ҳозир бу масалаларда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифидан сўнг қисқа фурсат ичида 3-сув олиш иншооти жаҳондаги етакчи фирмаларнинг замонавий сув олиш технологиялари билан жиҳозланди. 9,5 километрга янгидан қувур ётқизилди. Натижада нафақат шаҳар аҳолисининг тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммосига барҳам берилди, балки ойига 300-350 минг киловатт электр энергиясини тежаш имконияти яратилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, электр энергияси, сув ва бошқа барча йўқотишлар билан қўшиб ҳисоблаганда, бир ойда ўртача 85 миллион сўм тежалаётир. Демак, лойиҳага сарфланган 12 миллиард сўм маблағ 11 йилга етмасдан фақат тежамкорлик ҳисобига тўлиқ қопланади. Тежалаётган электр энергияси эса янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга замин яратиши, зимистон кўчалар, ўчиб-ёниши одат бўлиб қолган минглаб хонадонларга нур олиб кириши шубҳасиз.

Шаҳардаги 349 та кўп қаватли уйда 13 минг 752 хонадон бўлиб, ушбу уйлардаги иситиш тизимининг яхши ишламаслиги одамларни кўп йиллардан буён қийнаб келаётган асосий муаммолардан эди. Сўнгги бир йилда 2 минг 376 хонадонга имтиёзли кредит асосида икки контурли иситиш қозонлари ўрнатилди. Жорий йил якунига қадар яна 3 минг 400 та ана шундай иситиш қозони ўрнатиш режалаштирилган.















– Илгари қишнинг совуғидан юрак олдириб қўйган эдик, – дейди Пахтакор маҳалласи, 66-уй, 26-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Усмон Шодиев. – Биз катталар-ку майли, чопон ёпиниб, бир амалимизни қилардик, болаларга қийин эди. Кечаси билан қараб чиқолмайсан, усти очилиб, шамоллайди. Давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдормиз, йиллар давомида бизни қийнаб келган муаммони ҳал этиб берди. Имтиёзли кредитга икки контурли иситиш қозони олдик. Энди нафақат уйимиз иссиқ, балки исталган вақтда иссиқ сувимиз ҳам бор.

Шаҳар аҳолисининг ишдан ва ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида 22 гектар ташландиқ майдонда замонавий боғ ташкил этилган. «Ёшлар боғи» номини олган мазкур кўнгилочар масканга 15 замонавий аттракцион ўрнатилган. Иккита мусиқали фаввора, иккита сунъий кўл, пиёда ва велосипедчилар учун боғ бўйлаб алоҳида йўлакча, мини-футбол, теннис ва баскетбол майдончалари ташкил этилган. Қарийб 5 минг туп манзарали дарахт кўчати экилиш билан бирга, аввалдан мавжуд бўлган 1 минг тупи сақлаб қолинган. Боғнинг 7 гектар қуйи қисмида сокин ҳудуд барпо қилиниб, 1,5 минг китоб фондига эга кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Биз борган куни бу ерда шаҳар ёшларининг бир гуруҳи адабиёт ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича ижод билан машғул бўлса, бошқалари зўр бериб, давлат тест имтиҳонларига тайёргарлик кўрмоқда эди. Кишини тўлқинлантириб юборадиган ниҳоятда ажиб манзара, дилинг яйрайди, беихтиёр мутолаага ўтиргинг келади.

Аҳоли учун яратилган қулайликлардан яна бири – асосий темир йўл устидан Фарҳод, Истиқлол ва Цементчи маҳаллаларини шаҳар билан боғловчи янги йўл очилганидир. Илгари ушбу маҳаллаларга ўтиш ёки қайтиш учун 8 километр масофани айланиб келиш талаб этилар эди. Янги йўл очилиши билан бу масофа энди бор-йўғи 200 метр, ҳу десанг, эшитиладиган даражада яқин.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, эски айланма йўлдан кунига ўртача 300-350 автомобиль ўтган. Уларнинг аксарияти бориб-қайтиши инобатга олинса, бу тахминан 5000 километр дегани. Бу эса, Тошкентдан Қўнғиротга икки марта бориб-келиш билан баробар. Энди буни оддий арифметикага соладиган бўлсак, кунига қарийб 500 литр ёқилғи тежалаётгани аён бўлади. Шунингдек, мингга яқин аҳолининг кунига қарийб 170 соат вақти тежалаётгани, айниқса, автомобиллардан атмосферага кўплаб заҳарли газлар чиқишининг олди олинаётганини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

### БИР ЙИЛ ШИДДАТИ

Олмалиқ мамлакатимизда рангли металл ишлаб чиқариш бўйича йирик саноатлашган шаҳар ҳисобланади. 130 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи шаҳарда сўнгги бир йилда улкан бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, шаҳар инвестиция дастурига мувофиқ, 2017-2019 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича умумий қиймати 253 миллиард 457 миллион сўмлик 89 лойиҳани амалга ошириш ва 985 янги иш ўрни яратиш режалаштирилган эди. Айни пайтга қадар дастур доирасидаги 53 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган ва 607 янги иш ўрни яратилган.

– 11 август куни Президентимиз шаҳримизга ташриф буюрганига роппа-роса бир йил тўлади, – дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Нурлахон Қуддусов. – Давлатимиз раҳбари ташрифи чоғида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ муҳим вазифалар ҳақида тўхталар экан, янги уй-жойлар бунёд этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича зарур топшириқ ва кўрсатмалар берган эди. Ўтган вақт давомида ана шу асосда амалга оширилган ишлар кўлами ва аҳамиятини шаҳримиз ўз тарихида ҳеч қачон кўрмаган.

Президент ташрифидан сўнг шаҳарда умумий қиймати қарийб 92 миллиард сўмлик 25 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бугунги кунга қадар 31 миллиард 143 миллион сўмлик 10 лойиҳа амалга оширилиб, 205 янги иш ўрни яратилди. «HE-CHUANG TECHNOLOGY» корхонаси ана шулардан бири. Хитойлик сармоядорларнинг 1 миллион долларлик маблағи эвазига фойдаланишга топширилган мазкур корхонада қизилмия ўсимлиги томиридан концентрат ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

«Чевар» масъулияти чекланган жамияти ўтган йил сентябрь ойида фаолият бошлаган. 1 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 180 кишининг доимий бандлиги таъминланди. Айни пайтда бу ерда 15 турдаги болалар кийими тайёрланиб, маҳсулотнинг асосий қисми Россияга экспорт қилинаётир.

Олмалиқ шаҳрининг Ибн Сино кўчасида ҳам Президентимиз ташаббуси билан «Мустақилликнинг 27 йиллиги массиви» қад ростламоқда. Бу ерда ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган 7 қаватли 10 та уй фойдаланишга топширилиш арафасида. Янги массивда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида гипермаркет, мактабгача таълим муассасаси, маданият ва истироҳат боғи ҳам барпо этилаётир.

Шаҳарнинг Бўстон маҳалласи ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этилган. Айни пайтда «Олмалиқ кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси» давлат унитар корхонаси томонидан 6 лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий чоралар кўрилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида шаҳардаги собиқ ётоқхона биноси қайта таъмирланиб, ногиронлиги бўлган 53 оила, жумладан, шаҳардаги 15 шундай оила уй-жой билан таъминланди.

– Бир оёғим яхши ишламайди, I гуруҳ ногирониман, – дейди Абдулла Авлоний номидаги маҳаллада яшовчи Элдор Мардонов. – Турмуш ўртоғим Лайлохон ҳам II гуруҳ ногирони. Нолимаймиз, ўғлимиз Баҳодир вояга етиб қолди. Ундан умидларимиз катта. Лекин, ўз уйинг бўлгани яхши-да. Яратганга шукур, мана, кўп йиллик орзуимиз ушалди. Тўғриси, армон бўлиб қоладими, деган хавотирда юрардик. Чунки, ҳеч ким ҳолингдан хабар олмаса, ишонч ҳам, ҳаётга қизиқиш ҳам бўлмайди-да. Бир йилдан буён ҳаммаси бошқача. Президентимизнинг ўша ташрифларидан сўнг ҳаётимизда кўп ўзгаришлар бўлди, барчаси яхши томонга. Бундай ғамхўрликдан кейин яшагинг, яшаганда ҳам яхши яшагинг келаверар экан. Атрофингдаги ҳамма нарса чиройли кўринар ва одамда беихтиёр меҳр-оқибат юксалар экан.

Шаҳарда боғча ёшидаги болалар 8 минг 200 нафардан зиёд. Сўнгги бир йилда ҳудудда 125 ўринли 3 хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Натижада болаларни боғчага қамраб олиш даражаси 80 фоизга етди.

Аҳолини тоза ичимлик суви, электр энергияси, газ билан таъминлаш, ички йўлларни асфальтлаш ва таъмирлаш борасида ҳам қатор ишлар бажарилган. Жумладан, 5,6 километр узунликдаги сув қувури мукаммал, 33 километрлик қисми эса жорий таъмирдан чиқарилган. 2 янги трансформатор ўрнатилиб, 18 таси мукаммал таъмирланган. 43 эски ёғоч устунлар янги темир-бетонлисига алмаштирилган. Аҳолига табиий газ етказиб беришни яхшилаш мақсадида 3 минг 700 метр ўрта босимли газ қувури реконструкция қилинган. 1 газ тақсимлагич янгидан ўрнатилиб, 4 таси мукаммал таъмирланган. 45 минг 500 метр масофадаги ички йўллар мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилган. Шаҳарнинг марказий кўчасига қарийб 600 дона энергия тежовчи замонавий ёритиш мосламалари ўрнатилган.

Тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида шаҳар болалар шифохонаси реконструкция қилиниб, бинонинг «А» блокидан кўп тармоқли марказий поликлиника, оилавий поликлиника филиали, тез тиббий ёрдам ва қон қуйиш бўлими, «В» блокидан 90 ўринли болалар шифохонаси ўрин олган.

– Шаҳардаги бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзинг қувнайди, эртага ҳаётинг янада яхши бўлишига ишончинг ортади, – дейди Ш. Рашидов кўчаси, 18-уй, 5-хонадонда яшовчи Рустем Усенов. – Бу ўзгаришлар оиламизни ҳам четлаб ўтмади. Мутасаддилар уйимизни таъмирлаб, мебель жиҳозлари берди. Давлатни ривожлантиришдек ғоят муҳим ишидан ортиб, биз каби имконияти чекланган инсонларга алоҳида эътибор қаратаётган Президентимиздан жуда-жуда миннатдормиз.

Шаҳарга кираверишдаги Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғинида 2 минг 400 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 10 кўп қаватли уй оралиғида жойлашган қарийб 1 гектар майдон бундан бир йил аввал ташландиқ ҳолда эди. Президентимиз ташрифидан сўнг ушбу ҳудуд ободонлаштирилиб, болалар учун турли аттракционлар ўрнатилди. Замонавий мини-футбол стадиони барпо этилди. Тадбиркор Абдуваҳоб Қорабоев томонидан салқин ичимликлар ва музқаймоқ дўкони қурилди. Эндиликда бу жой нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам севимли масканига айланган.

– Катта бўлсам, футболчи бўламан, – дейди 6-синф ўқувчиси Шоҳрух Абдусодиқов. – Ҳар куни маҳалламиздаги стадионда болалар билан маза қилиб футбол ўйнаймиз. Аввалари чанг-тупроқ ёки анави бетон йўл устида ўйнар эдик. Эҳ-ҳе, неча марта йиқилиб, кўп жойимиз шилиниб кетарди. Шунинг учун ойимдан роса гап эшитардим. Ҳозир ойим ҳам футболчи бўлишимга қарши эмас. Чунки, ҳеч қаерим шилинмайди-да.

Шаҳар ҳокимлигидан маълум қилишларича, шаҳарда 20 замонавий мини-футбол стадиони қурилиб, болалар ихтиёрига топширилган. Эътиборли жиҳати, улардан фойдаланиш мутлақо бепул.

Президентимиз шаҳарга ташрифлари давомида Ҳамза номидаги маҳалла билан шундоққина ёнма-ён жойлашган «Ойдин деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бўлиб, сотувчи ва харидорлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш, замонавий инфратузилма барпо этиш бўйича тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берган эди. Айни пайтда бу ерда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Барча қулайликларга эга ушбу замонавий бозор шу ой охирига қадар фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

### ҲАҚИҚИЙ ҒОЛИБ – АҲОЛИ

Ҳар икки шаҳар одамларининг ҳаётдан розилик, бугунги кунидан шукроналик уфуриб турган юз-кўзларидаги мамнунлик бизга ҳам кўчди шекилли, асосий мақсад – ким ғолиб, деган саволга жавоб топишда очиғи, қийналдик. Боиси, сўнгги бир йилда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича бир ўринда Бекобод, бошқасида Олмалиқ шаҳри устун кўринади. Фикримиз асоссиз бўлмаслиги учун биргина мисол. Аҳолига янги кўп қаватли турар жойлар қуриш бўйича Бекободда 5 та, Олмалиқда 10 та кўп қаватли уй барпо этилмоқда. Бу ўринда Олмалиқ шаҳри ғолиб! Яратилган иш ўринлари ҳисобига Бекобод шаҳрида ишсизлик даражаси 12,1 фоиздан 8,7 фоизга тушган. Олмалиқ шаҳрида эса бу кўрсаткич ўтган йилги 4,3 фоизлигича, ўзгармай қолган. Демак, бу борада Бекобод шаҳри олдинда!

Мақола аввалида мусобақада ким ғолиб бўлишидан қатъи назар, бунда ҳеч бир томон ютқазмаслигини айтган эдик. Лекин теранроқ назар солсак, аслида мусобақанинг мутлақ ғолиби бор экан – бу ҲАР ИККИ ШАҲАР АҲОЛИСИ, яъни у ерда яшаётган юртдошларимиз!

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қадимда бу диёр не-не донишманду жаҳонгирларни дунёга келтирмаган, дейсиз. Қадимий Хоразм номи билан тарихдан мустаҳкам жой олган буюк давлат салтанати айнан шу ҳудудда гуллаб-яшнаган.



«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури – амалда

# Сектор раҳбари ёшлар билан учрашди

Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, 3-сектор раҳбари Рустам Турсунов Нурота тумани ёшлари билан учрашув ўтказди. Унда 350 нафар йигит-қиз иштирок этди.

Сектор раҳбари ёшларнинг мурожаатларини ўрганиш ва ҳал этиш учун мутасадди ташкилот раҳбарларига топшириқ ва тавсиялар берди.

Тадбир давомида 50 нафар қизга 5 йиллик муддат билан имтиёзли кредит асосида тикув машинаси, 20 нафар йигитга қўй-эчки сотиб олиши учун сертификат топширилди. 22 нафар йигит-қизнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ер-жой ва кредит сўраб қилган мурожаати юзасидан ҳам тегишли соҳа ходимларига топшириқлар берилди. 10 нафар ёшга тумандаги фермер хўжаликларидан такрорий экин экиш учун ижарага 1 гектардан ер ажратилди.

– Мен ер эгаси бўлиш, ундан унумли фойдаланишга жуда қизиқаман, – дейди Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи Ж. Абдураупов. – Ушбу фаолиятда ўзимни синаб кўриш учун ер сўраб мурожаат қилгандим. «Нарзулло Эркин» фермер хўжалигидан ижарага 1 гектар ер берилди. Унга такрорий экин сифатида маккажўхори экдим. Хўжалик ишчилари менга кўмакдош бўлмоқда.

Учрашув доирасида тумандаги фермер хўжаликларининг мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари кўргазмаси, қовун сайли ўтказилди. Муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркорларнинг маҳорат дарслари ёшларда катта таассурот қолдирди.



**Нуриддин РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ёш тадбиркорлар учун маҳорат дарслари

Наманганда ёш тадбиркорлар учун «Муваффақиятга эришиш сирлари» мавзусида маҳорат дарслари ўтказилди.



«Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорлар фаолиятида учраётган турли муаммоларни бартараф этиш, тажриба алмашишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси, «Paynet», «Le Bazar», «DEKOS», «Deli», «Murad Buildings», «Ground Zero», «Edu-Action», «Fiori Flower Boutique», «Nestle Uzbekistan» сингари корхона ва ташкилотлар вакиллари ёш тадбиркорлар учун бизнес юритиш, унда мақсад ва муваффақиятга эришишнинг назарий-амалий омиллари, тадбиркорлик фаолияти, менежмент ва маркетинг, бизнес лойиҳа ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга татбиқ этишнинг замонавий механизмлари бўйича маҳорат дарслари ўтказди.

– Қўзиқорин етиштириш ва ундан доривор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида анчадан буён



ўйлаб юраман, – дейди Чортоқ тиббиёт коллежи ўқувчиси Л. Юсупова ЎзА мухбири А. Сатторовга. – Ишни нимадан бошлашни билмай тургандим, бугунги тадбирда бу борада ўзим учун кўплаб керакли ва фойдали маълумотлар олдим. Ўқишни битиргунимга қадар бизнес режа тузиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга тайёрланиб бораман.

Тадбирда меҳмонлар ёш тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирди. Наманган шаҳар давлат хизматлари маркази, «Истиқлол дизайн маркази», «Aisha Home Textile» сингари бир қатор давлат муассасалари ҳамда илғор саноат корхоналари фаолияти, вилоят марказининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

**Суратда:** маҳорат дарсидан лавҳа.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

«Обод қишлоқ» дастури – амалда

# Номига монанд Бўстон

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқальа тумани маркази – Бўстон шаҳри номига монанд маскан. Айни пайтда туман маркази «Обод қишлоқ» дастури асосида янада чирой очиб, аҳоли фаровонлигини юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

– «Обод қишлоқ» дастурига туманимиздан Ақчакўл ва Чайка массивлари киритилган, – дейди Элликқалъа тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ниетбой Сержанов ЎзА мухбири Есимхон Қаноатов билан суҳбатда. – Ҳозиргача «Ақчакўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 552 та уй-жойнинг 400 дан ортиғи таъмирдан чиқарилди. Кам таъминланган 13 оила хонадони таъмирлаб берилди. Йўллар



таъмири, ичимлик суви тармоқлари тортиш, электр энергияси таъминотини яхшилаш ишлари якунига етмоқда. Газ тармоғи тўлиқ таъмирланиб, 300 хўжаликка суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилди. Умуман олганда, «Обод қишлоқ» дастури бўйича 80 фоиз ишлар бажариб бўлинди. Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрамига қадар барча ишлар тўлиқ ниҳоясига етказилади.

Туман марказида кўп йиллардан буён эътибордан четда қолган маданият бўлими биноси замонавий кўринишда қайта таъмирланди.

Элликқалъа азалдан тамаддунлар тўқнашган маскан. Бу ерда неча асрлардан буён ҳаёт қайнаб келган. Жилов кўрмаган Жайҳун бир пайтлар тўлиб-тошиб, ўзанини Каспийга буриб кетган. Шу тариқа бу заминдаги қадимий тамаддун бешиги ўз ўрнини саҳро салтанатига бўшатиб берган. Қадимий Жайҳуннинг Оролга қуйилиб турган ирмоғи Ақчадарёнинг (унинг суви сақланиб қолган энг чуқур жойи ҳозир «Ақчакўл» дейилади) икки соҳили бўйлаб жойлашган қалъалар харобалари ҳануз маҳобатли савлати билан буюк мозийдан садо бермоқда. Қадимда бу диёр не-не донишманду жаҳонгирларни дунёга келтирмаган, дейсиз. Қадимий Хоразм номи билан тарихдан мустаҳкам жой олган буюк давлат салтанати айнан шу ҳудудда гуллаб-яшнаган.

Оққан дарё оқмай қолмас, деганларидек, минг йиллар давомида қулоч ёзиб ётган чўлистонлар заҳматкаш инсон қўли билан гулистонга айланганига кўзларинг ишонмайди.

Элликқалъада замон билан ҳамнафас инсонларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Шундай инсонлардан бири туман тиббиёт бирлашмасининг шифокор жарроҳи Санъат Жумабоевдир. У мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни чин юракдан ҳис этиб, сидқидилдан меҳнат қилаётган фуқаролардан бири.

Шифокорликдан ташқари балиқчилик, паррандачилик билан ҳам шуғулланади. Иссиқхонаси ҳам бор.

– Бу ишлар фарзандлар учун ибрат, амалий тарбиядир, – дейди С. Жумабоев. – Қолаверса, оилага қўшимча даромад келтиради. Агар бола маблағ қандай келаётганини кўрмаса, турмушга енгил-елпи қараб, келгусида ҳаёт синовларига дош беролмаслиги мумкин.

Элликқалъалик яна бир тадбиркор – Жумабой Жабборов Ўзбекистонда илк бор лайкрали жинси матоси ишлаб чиқарадиган «Boston mega tekstil» корхонасини ишга тушириб, 200 иш ўрни яратиш ниятида. Шу корхона билан бирга иш бошлаш арафасида турган «Boston optimsl tekstil» корхонасида ип-калава ва юмшоқ сочиқлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Корхона ишга тушиши билан яна 200 янги иш ўрни яратилади.

Ота касби чорвачилик бўлган Исоқжон Ҳусайинов эса қуёнчиликни сердаромад соҳа билиб, тез кўпаядиган ва салмоқ босадиган наслли хикол қуёнларини етиштирмоқда. Унинг асл мақсади келгусида ушбу қуёнлар бош сонини кўпайтириб, хорижий давлатларга экспорт қилишдир. Ушбу лойиҳа амалда яхши даромад беради. Бунинг учун унда аниқ бизнес-режалар бор.

Элликқалъа туманида эл-юртни обод ва фаровон қилиш ниятида сидқидилдан меҳнат қилаётган фидойи инсонлар кўп. Тараққиёт айнан шундай инсонларнинг меҳнати билан юксалади.

# Маҳаллада ҳунармандчилик маркази



Жиззах шаҳрининг Оққўрғонлик маҳалласида «Жаннатмакон Жиззахим» миллий ҳунармандчилик маркази иш бошлади.

Навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, истеъдод ва салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган марказда ҳунармандчилик, тикувчилик, инглиз тили, сартарошлик, этикдўзлик каби тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди. 3 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона ёшлар ихтиёрида. Айни пайтда марказда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 40 дан зиёд ўғил-қиз маҳорат оширмоқда.



**Суратларда:** Жиззах шаҳрининг Оққўрғонлик маҳалласида ташкил этилган «Жаннатмакон Жиззахим» миллий ҳунармандчилик марказида.

**Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

## БИЛАСИЗМИ?

***6 май*** – Тошкент архитектура-қурилиш институти (ТАҚИ) ташкил этилган кун (1991 йил).

***1 июль*** – Бутунжаҳон меъморлар куни (1985 йил).

***2017 йилдан бошлаб ҳар йили август ойининг иккинчи якшанбаси*** – Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни.

***1 октябрь*** – Бутунжаҳон архитектура куни.

***15 июль*** – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (СамДАҚИ) ташкил этилган кун (1966 йил).

# Банк жамоасининг қувончи чексиз

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқимизга, аввало, фарзандларимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароит яратишга қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Қурилиш ташкилотларига хизмат кўрсатувчи «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг Кўкдала филиали Чироқчи тумани ҳудудида янги уйлар, иморатлар, бино ва иншоотлар қурилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айни кунларда банк филиали жамоаси ва мижозларининг қувончи чексиз. Нега дейсизми?

Сабаби, банк филиали шу кунга қадар собиқ «Кўкдала» давлат хўжалигининг 1975 йилда пахсадан қурилган бир қаватли пастқам болалар боғчаси биносида 1995 йилдан буён ўз фаолиятини юритиб келаётган эди. 1 400 дан кўпроқ мижозга хизмат кўрсатаётган банк ходимлари учун бу бинода қулай шароитлар бўлмаган. Мавжуд 8 та хонанинг барчаси тор, ишлашга ноқулай, мижозларга қулайроқ хизмат кўрсатишга жавоб бермас эди. Банкнинг деярли ички ва ташқи сувоқлари кўчиб, деворлари дарз кетган, чириб қолган пол тахталарининг ғичирлашидан чўчиб тушасан. Кирим ва чиқим кассалари, кадрлар бўлими, бухгалтерия ва тадбиркорлар учун ташкил қилинган хоналар аҳволи ниҳоятда аянчли. Нураб бораётган деворларни кўриб, беихтиёр ваҳимага тушасан, киши. Оргтехникаларни жойлаштиришга-ку мебель жиҳозлари ярамай қолган. Бир сўз билан айтганда, бўзчи белбоққа ёлчимаётганди.

Банк раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан яқинда 3 миллиард 297 миллион сўмлик лойиҳа асосида янги замонавий, барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. 10 та асосий хонада банк ходимлари мижозларга бемалол хизмат кўрсатиши учун имконият яратилди. Кенг ва ёруғ хоналар 620 миллион сўмлик мебеллар билан жиҳозланди.

– Йигирма йилдан буён шу ерда ишлаб келяпман, – дейди Ғофур Тоғаев. – Айниқса, мижозлар олдида уялар эдик. Минг шукрки, янги бинога кўчиб ўтишимиз билан барчаси ортда қолди. Замонавий бинода жамоамиз билан хуш кайфиятда мижозларга тез ва сифатли хизматни бажарамиз. Бинонинг айни кунларда фойдаланишга топширилиши жамоамиз ва мижозларимиз учун ажойиб туҳфа бўлди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, банкнинг эски биносида электр чироқлари ўчиб қолгудек бўлса, ортиқча асаббузарликлар бўларди. Мижозларга хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмай қолар эди. Янги бинода эса бундай муаммоларга барҳам берилди. Сабаби, бинога Германияда ишлаб чиқарилган электр токи ҳосил қилувчи агрегат ўрнатилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли қарорига асосан янги бинода барча зарур шароитлар яратилди, – дейди биз билан суҳбатда филиал бошқарувчиси Анвар Норов. – Мижозлар ҳеч қандай тўсиқсиз банк биносига киришлари, ахборот марказининг тажрибали мутахассисига учрашлари мумкин. Мижознинг мақсадига кўра, мутахассисимиз томонидан «Фронт офис» хизматига юборилади. У ерда 8 нафар мутахассис мижознинг истакларини рўёбга чиқаради. Қарабсизки, мижозлар биздан мамнун бўлиб кетишади.

– Жамоамиз 38 нафар ходимдан иборат, – дея суҳбатимизга қўшилади банк бошқарувчисининг ўринбосари Рустам Холмуродов. – Ана шу ишчилар учун янги бинода хоналар ҳароратини ёзда салқин, қишда иссиқ ушлаб турувчи техникалар ўрнатилди. Бундан ташқари куз-қиш мавсумида табиий газ билан иситиш мақсадида қувурлар монтаж қилинди. Буларнинг ҳаммаси мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида яратилди.

Банкда маънавият ва маърифат хонаси ҳам ташкил қилинди. Унда маънавий-маърифий-маданий тадбирлар ўтказилади.

Мазкур бинонинг қуриш ишлари масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Худойберди Холиқович» қурилиш-таъмирлаш корхонаси томонидан амалга оширилди. 8 ойда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектнинг қурилишига 10 та замонавий техника воситаси ҳамда 50 нафар қурувчи жалб қилинди.




Жамият раиси Абдумалик Боймуродовнинг таъкидлашича, бинонинг қад ростлашида Дикир Толстой, Толиб Худойназаров, Зоҳид Жабборов бошқаларга намуна бўлиб хизмат қилишди.

Айни пайтда, банк атрофи кўкаламзорлаштирилиб, ободонлаштирилди.

Хуллас, барча қулайликлар мужассам янги бинонинг фойдаланишга топширилганидан «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Кўкдала филиали жамоасининг қувончи чексиз. Энди улар замонавий архитектуравий ечимлар асосида бунёд этилган янги бинода хизмат турларини янада юксак сифатда тақдим этадилар.

**Сайид МЕЙЛИЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

**Муассис:** «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи **Усмон Муродов**
Мусаҳҳиҳ **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтлари

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** (90) 278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** (90) 720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** (93) 466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-807.
2300 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ўктамов
**Навбатчи** – А. Турсунов
ЎзА якуни – 22.15. Топширилди – 03.30.
1 2 3 4 6